

ТОШКЕНТ ОҚШОМЛИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 51 (10.104)

2004 ЙИЛ 18 МАРТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Наврўз Шарқ халқлари, жумладан, Ўзбекистон халқи учун энг қадимий ва азалий байрамлардан бирidir. Баҳор фасли ва табиат уйғонишининг тимсоли, яшариш ва янгиланиш рамзи бўлиши бу айёмни орзиқиб кутиш, баланд руҳ ва катта хурсандчилик билан нишонлаш эл-юртимиз учун олижаноб анъанага айланиб қолган.

Маълумки, Наврўз байрами юртимизда март ойининг учинчи ўн кунлиги бошланишига тўғри келади. Ва шунга асосланиб, мамлакатимизда 21 март куни Наврўз байрами, деб эълон қилинган.

Анъанага кўра, Наврўзга бағишлаб пойтахтимиз Тошкентда, вилоятлар, шаҳар ва туман марказларида байрам маросимлари, халқ сайиллари ва томошалар ўтказилади.

Узоқ ва давомли тарихимиздан маълумки, Наврўз бир кун эмас, бир ой мобайнида байрам қилинади ва жойларда одамлар табиат билан ҳамоҳанг бўлиб, бу айём қувончини кўпчилик билан баҳам кўради.

Халқимизнинг мана шундай байрамларини ҳар қайси воҳа ва водийнинг маҳаллий иқлим ва табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда ўтказиши ҳар томонлама эътибор ва қўллаб-қувватлашга муносибдир.

Республика Гидрометеорология Бош бошқармасининг маълумотларига кўра, кейинги йилларда умуман иқлим ўзгариши муносабати билан айнан шу мавсумда об-ҳавонинг бузилиб, ёғингарчилик кўп бўлиши кузатишмоқда ва жорий йил ҳам бундан истисно эмас.

Бундай вазият оммавий байрам тадбирларини очик майдонларда, истироҳат боғларида халқимизнинг кенг иштирокида ўтказиш учун муайян қийинчиликлар туғдирмоқда.

Наврўз умумхалқ байрамини миллий қадрият ва урф-одатларимиз руҳида кенг нишонлаш, уни ўтказиш учун кулай шарт-шароит яратиш, одамларнинг кўнгилли дам олишини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Пойтахтимиз Тошкентда, Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти Нукус шаҳрида, вилоятлар, шаҳар ва туман марказларида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тадбирларни об-ҳаво шароитини ҳисобга олиб, март ойининг охиригача ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб топилсин.

2. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш

бўйича республика ташкилий кўмитасига байрам муносабати билан марказда ва жойларда белгиланган барча ташкилий-амалий ишларни кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда, юксак даражада ўтказиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш вазифаси топширилсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Бош вазир Ш.Мирзиёевага юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 17 март

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ РАҲБАРЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

16 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали суҳбатлашди.

Ўзбекистон раҳбари ўз суҳбатдошини Россия давлатига қайтадан Президент этиб сайлангани муносабати билан қутлаб, унга сихат-саломатлик ва муваффақиятлар, Россия халқига тинчлик ва равақ тилади.

«Россия халқи ўзининг тўрт йил аввалги хоҳиш-иродасини мана шундай ишончи ва қатъий тарзда тасдиқлашига Ўзбекистон аҳли шубҳа қилмаган эди», - деди Президентимиз. Икки давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатлар бундан буён ҳам ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида, стратегик ҳамкорлик руҳида ривожланиб бораверишига ишонч билдирдилар.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Президентининг Россияга апрель ойи ўрталарига мўлжалланган амалий ташрифига ва бўлажақ олий даражадаги учрашувга тайёргарлик билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

«ЎЗБЕККИНО» МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кинематография соҳасида бошқаришни тақомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 16 мартдаги ПФ-3407-сон Фармонида мувофиқ ҳамда кинематография соҳасидаги республика ва ҳудудий органлар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш, кино ва видео маҳсулотларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш ҳамда намойиш этиш тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Куйидагилар:
«Ўзбеккино» Миллий агентлигининг ташкилий тузилмаси, марказий аппарати тузилмаси ва ҳудудий бўлимларининг намунавий тузилмалари;
«Ўзбеккино» Миллий агентлигининг Низоми тасдиқлансин.
2. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги марказий аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 41 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 22 нафар этиб белгилансин.
«Ўзбеккино» Миллий агентлигига Аген-

тлик бош директори-нинг икки нафар ўринбосари, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосар ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган етти кишидан иборат Хайъат бўлишига рухсат берилсин.
Агентлик бош директори марказий аппарат тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Давоми 2-бетда.

ХУҲ САДОСИ

Барча маълумлардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият, спорт масалалари кўмитаси билан Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган илмий-амалий семинар замонавий технологиялардан таълим тарбия жараёнида фойдаланиш мавзусига бағишланди.

• Кеча Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамағмаси томонидан уюштирилган анжуман суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишда суд ҳокимияти ва ОАВ ҳамкорлигига бағишланди.

• Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологиялар марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендиатларининг семинар-кўргазмаси ташкил этилди. Стипендиатлар тадбирда ўтказган тадқиқотлари, эришган ютуқлари ва изланишларини намойиш қилдилар.

• Республика Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида «Балиқчилик ва аквакультура» мавзусида халқаро семинар-тренинг бўлиб ўтди.

• Кеча Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида иш бошлаган «Сурхонтекс» Ўзбекистон, АКШ қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди. Ушбу корхонада йилга 4 миллин тоннадан зиёд қала, 11 миллин погон метрга яқин газмол ишлаб чиқарилади.

• Қорақўл тумани марказидаги Акмал Икромов номи маҳаллада «Қорақўлтёкс» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ёрдамида спорт-соғломлаштириш майдончаси барпо этилди.

Жаҳонда

• Женевадаги Миллатлар саройида Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ комиссиясининг йиллик олтинчи сессияси бошланди. 23 апрелгача давом этадиган сессияда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ дунёнинг барча бурчакларидаги вазиятлар кўриб чиқилади.

• Грузия ҳуқумати Аджарияга нисбатан иккисолий жазо чораларини кўра бошиди. Денгиз ва ҳаво йўллари ёпилди, Грузия-Туркия чегарасида чегара ва боғжона назорат пунктидан юклар ўтиши таъқиқланди.

• Испания пойтахти Мадридда содир этилган террорчилик ҳуруждан сўнг Европада терроризм масаласи биринчи ўринга чиқди. Европа иттифоқи терроризмга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш тақлифини билдирди.

• Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 10 та давлатга яқин орада сил касаллиги оммавий тарқалиши хавфи борлигини маълум қилди. Ташкилот мутахассисларининг таъкидлашича, сил касаллиги ҳар йили 2 миллиондан ортиқ одамнинг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлмоқда.

ПОЙТАХТИНИНГ Бир кунли

Янгиликлар, воқеалар

Кўзга

• БУГУН Собир Раҳимов туманидаги 24-мехрибонлик уйида Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб хайрия тадбири ўтказилди. Унда тарбияланувчиларга ҳомийлар тавсис этган совғалар тўхфа этилди.

• БУГУН Шайхонтоҳур туманидаги 41-мактабда Наврўз байрами муносабати билан Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ҳамкорликларида ўсмир қизлар ўртасида ўтказилаётган спорт ўн кунлиги доирасида шашка бўйича мусобақаларнинг шаҳар босқичи уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

«ЎЗБЕККИНО» МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

3. «Ўзбекино» Миллий агентлиги ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича «Ўзбекино» давлат-акциядорлик компаниясининг ҳуқуқий вориеси ҳисоблансин.

«Ўзбекино» Миллий агентлигига соҳа акциядорлик жамиятларидаги давлат ақциялари пакетларини (улар белгиланган тартибда профессионал бошқарувчи компанияларга топширилгунга қадар) бошқариш ваколати берилсин.

4. «Ўзбекино» Миллий агентлиги: мамлакатимизда яратилаётган бадиий ва ҳужжатли кино- видеофильмларнинг маънавий ва бадиий савиясини ошириш, миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар ва талабларни акс эттириш мақсадида профессионал етук, талабчан мутахассислардан иборат Бадиий кенгаш тузсин, унинг асосини бир ой муддатда белгиланган тартибда тасдиқласин;

худудий бўлимлар тўғрисидаги намунавий Низомни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Давлат мулки кўмитаси билан биргаликда «Ўзбекино» давлат-акциядорлик компаниясини «Ўзбекино» Миллий агентлиги этиб қайта ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган ташкилий ва мулкий масалаларни бир ой муддатда ҳал қилсин.

5. «Ўзбекино» Миллий агентлиги учун 2005 йилдан бошлаб куйидаги йиллик ишлаб чиқариш ҳамжамларининг истиқболли кўрсаткичлари белгилансин:

15 та тўла метражли бадиий кинофильм яратиш; 40 қисмдан иборат 20 та ҳужжатли ва илмий-оммабоп, 10 та мультпликацион кинофильм ва 60 соатлик маънавий-маърифий, ўқув-услубий видеофильмлар ишлаб чиқариш;

ҳар бир яратилган бадиий кинофильмдан дубль-негатив тайёрлаш ва виолетларда кенг намойиш этиш учун 15 нусхадан, жаҳон бозорига чиқариш учун чет тиллардаги субтитрлар билан 2 нусхадан кўпайтириш.

«Ўзбекино» Миллий агентлиги «Ўзтелерадио»

компанияси билан ҳамкорликда 2005 йилдан бошлаб қўшимча равишда ўз даромадлари ва ҳомийлик маблағларини жалб этган ҳолда, замондошларимиз ҳаёти, ижтимоий ва маърифий соҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотлар тўғрисида ҳикоя қилувчи бадиий кино ва видеофильмлар, телесериаллар ишлаб чиқариш ва намойиш қилишни йўлга қўйсин.

6. «Ўзбекино» Миллий агентлиги Молия вазирлиги билан биргаликда:

2004 ва 2005 йилларда кино ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг замонавий кинотехнологик жиҳозларга бўлган эҳтиёжларини бир ой муддатда асосланган ҳисоб-китобини қилиб, зарур маблағларнинг миқдори ва молиялаштириш манбалари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

йиллик ишлаб чиқариш ҳамжамларини шакллантириш, молиялаштириш ҳамда ажратилган маблағлар мақсади ва самарали сарфланишини назорат қилиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

«Ўзбекино» Миллий агентлигига фильмлар ишлаб чиқариш учун ажратилган маблағлар доирасида сценарий муаллифларига қалам ҳақи ва ижодий гуруҳнинг бошқа аъзоларига мукофот миқдорини Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгилашга руҳсат берилсин.

7. Республикадаги кинотеатрларнинг фаолияти ва мавжуд ҳолатини атрофича ўрганиш мақсадида Махсус комиссия тузилсин.

Махсус комиссия Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, Давлат мулки кўмитаси ва «Ўзбекино» Миллий агентлиги худудий бўлимлари мутахассисларидан иборат худудий ишчи гуруҳлар тузсин.

Худудий ишчи гуруҳлар икки ой муддатда: мулкчилик шаклларида қатъи назар, жойлардаги барча кинотеатрлардан мақсадли фойдаланилиши, уларнинг моддий-техника базасининг ҳолати ва асосий фаолият тури бўйича иш юритилишини инвентаризация

қилсин; мавжуд кинотеатрлардан самарали фойдаланиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш негизида кино-прокат тизимини кенгайтириш ҳақидаги таклифларни Махсус комиссияга тақдим этсин.

Махсус комиссия бир ой муддатда кинотеатрлар тизимини ривожлантиришнинг аниқ йўналтирилган дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: «Ўзбекино» Миллий агентлигининг марказий аппарати харажатларини республика бюджет, худудий бўлимларини маблағ билан таъминлашни маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширсин;

2004 ва 2005 йилларда давлат бюджетидан кинематография соҳасини замонавий кинотехнологик жиҳозлар билан таъминлаш учун зарур бўлган маблағлар ажратсин;

2005 йилдан бошлаб йиллик режалаштирилган кино ва видео маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун республика бюджетидан белгиланган маблағларни ажратишни кўзда тутсин;

«Ўзбекино» Миллий агентлиги марказий аппарати учун унга энгил автомобиль харажатларига лимит ажратсин.

9. «Ўзбекино» Миллий агентлиги марказий аппарати Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 98-уйга жойлаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекино» Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 31 мартдаги 137-сон қарорига ўзгартиришлар киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекино» давлат-акционерлик компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1996 йил 12 июлдаги 247-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 17 март

Кобулда ҳашар

Илгари хабар қилинганидек, баҳорнинг дастлабки кунларида Ўзбекистон ҳукумати инсонпарварлик ёрдами доирасида Афғонистонга 11 минг туп дарахт кўча-ти юборган эди.

Кобулда Заҳириддин Муҳаммад Бобур боғига ушбу кўчатларнинг бир қисмини экиш бўйича ҳашар ўтказилди. Кобул шаҳри ҳокими М.Жангалак Ўзбекистон ҳукумати томонидан етказиб берилган дарахт кўчатлари учун миннатдорлик билдириб, қўшни ва биродар ўзбек халқи ҳамisha афғон заминда тинчлик, ободончилик бўлишини истаб келганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ҳашарда Афғонистон ўтиш ислом давлатининг қатор вазирликлари, Кобул шаҳри муниципалитети, дипломатик корпус раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашишди. Уруш йилларида хароб ҳолга келиб қолган боғнинг асосий ер майдонига 1250 туп дарахт, жумладан, 3.М.Бобур мақбараси атрофида 100 туп чинор кўчати ўтказилди.

Дўст қўшниларимиз томонидан кўрсатилган ҳиммат барчамизда пойтахт Кобулнинг яқин келажақда қайтадан кўркам ва обод бўлишига умид билан қараш туйғуларини уйғотди, - дейди Кобул шаҳри ҳокимининг бош маслаҳатчиси доктор Соҳибназар Муродий. - Ишончим комилки, Афғонистон давлати ва унинг жафоқаш халқи Ўзбекистон томонидан кўрсатилган ёрдамни ҳеч қачон унутмайди.

Тантанали руҳда ўтган ҳашар маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

«Жаҳон» АА

Россиянинг машҳур кўргазма залларидан бири – Марказий рас-
сомлар уйида ўтган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми»
жамғармасининг тақдимот-очилов маросими Ўзбекистон-Россия
алоқаларини ривожлантириш ва мустақамлаш йўлида муҳим қадам
бўлди.

Москвада «Ўзбекистон
маданияти ва санъати
форуми» очилди

Ўзбекистон ва Россияни кўплаб умумий ришталар бир-бирига боғлаб туради. Лекин сўнгги йилларда икки мамлакат фан ва маданият намояндалари ўртасидаги муносабатларда маълум бўшлиқ пайдо бўлгани сезилиб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида бир-биримиз ҳақидаги хабардорлик даражасига ҳам салбий таъсир ўтказмасдан қолмади. Шу муносабат билан янги ташкил этилган муостақил, ноҳукумат, ижтимоий жамғарманинг асосий мақсадларидан бири сўнгги йилларда халқларимиз ўртасида пайдо бўлган маданий ва ахборот бўшлигини тўлдиришга қаратилган.

Москвадаги мазкур жамғарма икки мамлакатнинг таниқли фан ва маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари ташаббуси билан ташкил этилди. Улар орасида кинорежиссёр Малик Қаюмов, сўёсатшунослик фанлари доктори Гулнора Каримова, театр режиссёри Наби Абдурахмонов, кинорежиссёрлар Зулфиқор Мусоқов ва Юсуф Розиков, рассомлар Акмал Нур ва Ортиқали Қозоқов, «Томоша» болалар гуруҳининг раҳбари Нодира Қурбонова, ба斯塔кор Алишер Икромов, космонавт Владимир Жонибеков, халқаро рассомлар конфедерацияси ижроия кўмитаси раиси Масут Фатхуллин, Россия табиий фанлар академиясининг академиги, археолог Борис Ставиский, ака-

демиклар Ражаб Ислонбеков ва Эдуард Ртвеладзе, қўшиқчилар Стахан Рахимов, Алла Йошпе ва Елена Образцова, актёрлар Леонид Броневой, Александр Абдулов, Вера Алентова, «Эрмитаж»нинг Шарқ бўлими бошлиғи Григорий Семенов, телерадиоэ-
штитирувчилар миллий ассоциациясининг президенти Эдуард Сағалаев ва бошқалар бор.

Жамғарма Ўзбекистон ва Россия илм-фан ва ишбилармон доиралари вакиллари, адабиёт ва санъат намояндалари, мусаввирлар, театр ва кино режиссёрлари, актёрлар, Россияда истиқомат қилаётган ватандошлар тимсолидаги интеллектуал кучларни бирлаштиришга интилади. Бу билан ўзбек халқининг бой илмий ва маданий салоҳиятини намоён қилишга ҳамда Буюк ипак йўли аънаналарини қайта тиклаб, Ўзбекистоннинг транспорт ва коммуникация имкониятларини ривожлантиришга ёрдам берилади.

Тақдимотда Россиянинг атоқли сиёсий ва давлат арбоблари, ишбилармон доиралари вакиллари, етук фан, маданият ва санъат намояндалари, жумладан, ушбу аҳамиятга молик тадбирда иштирок этиш учун Тошкентдан махсус ташиф буюрган ўзбекистонлик таниқли маданият ва санъат вакиллари гуруҳи иштирок этишди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг

тантанали очилов маросимидан сўнг тақдимот меҳмонлари ва иштирокчилари Ўзбекистонлик таниқли мусаввирлар кўргазмаси билан танишишди.

Шундан сўнг машҳур қорақалпоқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Тўлепберген Қаипбергеновнинг «Бобомга, у дунёга хатлар» номи китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Асар Россиянинг «Мир» нашриётида чоп қилинган.

Иқтидорли ўзбек кинорежиссёрлари Ю.Розиков ва З.Мусоқов тақдимот иштирокчиларига ўз ижодларининг сўнгги йиллардаги энг ёрқин лавҳаларини намоён этишди.

Кечада иштирок этган машҳур опера қўшиқчиси Елена Образцова «Жаҳон» АА мухбири билан суҳбатда куйидагиларни таъкидлади:

- «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг ташкил қилинганлиги Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий ҳамкорлик тараққиётининг янги босқичини ўзида акс эттирувчи эътиборли воқеа саналади. Мен маданиятлар ҳамкорлиги тараққиётининг бу муҳим жараёнига ўзимнинг жамғармадаги иштирокчим билан камтарона ҳисса қўшаётганимдан мамнунман. Мен шу йил март ойи охирида Ўзбекистонга ташиф буюриб, машҳур қўшиқчи З.Саткилава, ажойиб ўзбек санъаткорлари И.Жалилов ва М.Раззоқова билан биргаликда гала-концерт беришни режалаштираман. Жамғармага эса оқ йўл тайилман!

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси режаларидан яна кўплаб турли маданий тақдимотлар, ҳар хил тадбирлар ва қўшма лойиҳалар ўтказиш ўрин олган.

М.ЗОХИДОВ,
«Жаҳон» АА,
Москва

Иқтисодиёт

БОЗОРНИ
ЎРГАНИШ
АСОСИДА

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати, албатта корхонанинг соф фойдасида муносиб ўринга эга. Негаки рақобатбардош маҳсулотнинг бозори чаққон, харидори нақд бўлади. Маҳсулот вақтида сотилгач эса ишлаб чиқариш ҳамми ортиб, фойда ҳам шунга яраша тушади.

Буни Чилонзор туманида фаолият кўрсатаётган «Саидмурот ота фарзандлари» хусусий фирмаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Аввало ер олиб, у ерда қурилиш ишларини бошлаган Мукамбар Мақсудова бунёдкорлик учун керакли ашёларни ишлаб чиқаришга киришди. 5 хилдаги қурилиш материаллари тайёрлаш йўлга қўйилди, эҳтиёждан органи эса талабгорларга сотилди. Шлакблок, эшик, рейка, гиштчалар сифатига эътибор кучайтирилди. Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган ушбу маҳсулотлар нафақат сифати, нархи арзонлиги билан ҳам ажралиб туради.

— Ўтган йилда 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиб, 17 миллион сўм соф фойда олдик, — дейди корхона директори Мукамбар Мақсудова. — Тўғри, бугунги бозор иқтисодиёти тадбиркордан бир хилдаги эмас, балки харидордан маҳсулот тайёрлашни, унинг турлари устида тинмай изланишни талаб этади. Биз ҳам ана шунга амал қилган ҳолда ўтган йилда Тошкент машинасозлик корхонасидан ижарага жой ва дастгоҳлар олиб, босмаҳоналар ва пахта тозалаш корхоналаридаги линия ва усуналар учун майда эҳтиёт қисмларини ҳам тайёрлашни йўлга қўйдик. Жорий йилда ана шундай дастгоҳларга эҳтиёт қисмлар тайёрлаш учун республика миқёсидаги корхоналар билан 50 миллион сўмлик шартнома тўздик. Энг муҳими эса ушбу маҳсулотларимизни маҳаллий хом ашё ҳисобига тайёрлаётганимиз боис улар четдан келтирилганидан бир неча баробар арзон.

ЭЛЕКТР ХИСОБ-ЛАГИЧЛАР

Халқимизда «Ҳисобли дўст айрилмас» деган ажойиб нақл бор. Албатта, бу борада ҳисоблаш усуналарининг ўрни бекиёсди. Чунки ушбу усунна орқали ҳоҳ электр токи, ҳоҳ сув, ҳоҳ газ бўлсин, сарфини аниқ ҳисоблаб, пулини тўлайсиз.

Пойтахтимизда «Куч» ёниқ турдаги акционерлик жамияти тадбиркорлари ҳам истеъмолчиларга ана шу сарфини аниқлашда, тежаб-тергашда ниҳоятда асқотадиган электр токи ҳисоблагичларини ишлаб чиқаришди. Ҳозирда ушбу жамоада асосий бутловчи қисмлар Санкт-Петербурги ва Вильнюс шаҳарларидан келтирилиб, 10 турдаги электр ҳисоблагичлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Шу билан биргаликда маҳсулот тайёрлаш учун 30 фоиз бутловчи қисмлар жамоада ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонада 8 нафар малакали йиғувчининг саъй-ҳаракатлари билан тайёрланаётган электр ҳисоблагичлар Тожикистон ва Қирғизистон давлатлари буюртмачиларига ҳам сотилади. Жорий йилдан эса харидорлар сафига Афғонистон давлати ҳам қўшилди.

Шарофат БАХРОМОВА

Зортишимизда Наврўз нафаси

Мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон халқи, янги XXI асрга ўзининг миллий-маънавий қадриятларини тиклаган, уларни янги мазмун билан бойитиб, янгича ҳаёт бахтиш этган ҳолда кириб келди.

Наврўз — Яқин Шарқ ҳамда Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги байрамларидан бири ҳисобланади. Бу байрам кишиларни ҳаётдан баҳра олишга қорлайди. Дарҳақиқат, Наврўз баҳорнинг боши, у эътибор баҳор элчиси — қалдирғочлар билан бирга гулу чечакларни ҳам олиб келади.

Кишиларнинг қишдан толиқиб чиққан асаблари боди сабонинг майин уффорларидан юмшаб ором олади. Оламдаги барча жониворлар, паррандаю даррандалардан тортиб, курт-кумурскаларгача жонлини ўз забонидан яратганга шукроналар айтади. Табиат уйғонади. Ана шу уйғониш Наврўзга — баҳорнинг биринчи кунига тўғри келади. Айна вақтда Наврўз биродарлик, ҳамжиҳатликни улуғлайди, ўз-ўзига ишонч руҳи ва миллий ғурурини мустаҳкамлашга, тинч-тотувлик мақсадларига хизмат қилади.

Наврўз шундай байрамки, унда барча ёшу қари қатнашади, томошабини ҳам, иштирокчиси ҳам ўзи бўлади. Наврўз кунинда ота-онани, кексаларни улуғлаб ва улар хизматига бўлиш, беморларни бориб кўриш ва кўнгилларини кўтариш, марҳумларни ёд этиб, қабрларни зиёрат қилиш ҳар бир инсоннинг бурчиға айланади. Шу кунларда қариндош-уруғлар, дўст-биродарлар бир-бирларини йўқлайдилар. Оила-оила бўлиб ёки дўст-қариндошлар тўпланиб, Наврўз кунлари кўм-кўк қирларга, тоғларга сайилга чиқадилар ва табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлиб қайтадилар.

Наврўз кунлари кўча ва хиёбонларни обод этиш, дарахт ва гуллар ўтқизиш мақсадида маҳаллаларда, туман ва қишлоқларда халқ ҳашарлари уюштирилади.

Яхшилик, эзгулик, бунёдкорлик ғоялари қадим-қадимдан халқимиз, миллатимиз қон-қонига сингиб кетган, фикрлаш тарзига ўрнашиб қолган. Яъни, баҳорнинг дастлабки ойда, Наврўз кунларида экинлар экилиб, дарахт ва гул қўчатлари ўтқазилади, табиат яшилликка бурканади.

Буни аждоқларимизнинг қадимий китоби «Авесто»да ҳам яққол кўриш мумкин.

Чунончи, ушбу китобда айтилишича, ерга яхши ният

билан уруғ қадаш ўн минг марта ибодат қилиш ёки юзлаб жониворларни қурбонликка сўйишдан афзал, дея ҳисобланади. Экин экиш, деҳқончилик қилиш она заминда мавжуд бўлган турли ёвузликларни ҳайдаш, унинг илдизини қуритишнинг муҳим йўли деб қаралган. Ким ерга уруғ қадаса, у ўзидаги одамийликнинг даражасини, иймон-эътиқоднинг мукамаллигини намойиш қилади.

Кўриниб турибдики, халқимиз азал-азалдан ерни, табиатини севади. Дўпписида сув ташиб бўлса ҳам дарахт кўкар-

тоб нуруни ҳам ерга туширмайди, куюк соя беради. Қадимда халқимиз ёнғоқни «Луқмон дарахти» деб аташган экан. Олимлар бу дарахтни «Ҳаво фабрикаси» деб баҳолашади. Негаки у тоғ минтақаларида нурашнинг олдини олади, микроклимни яхшилаб, микробларга қирон келтиради.

Олимларнинг ҳисоблаб чиқиларича, бир гектардаги теракзор 340 килограмм чангни ўзига ютар экан.

Кўпчилигимиз бу дарахтларнинг соғлиғимиз учун қони фойда эканини биламиз, аммо уларни экиб, то дарахтга айлангиргунча меҳр билан парваришларнинг уйдасидан чикмаймиз. Экология ёмон, атроф-муҳит ифлос,

энг гўзал инёоми гул — гўзаллик, дўстлик, муҳаббат рамзини билдиради. Гулни кўпгина халқлар «Гўзаллик маликаси» дейишади.

Дона халқимиз азалданок баҳорда бўшашмаслик тadbирини кўриб қўйган. Баҳорда илдиз қувват олган бўлса, шу илдизни баҳам кўрмоқ, қувватини иликка қайтармоқ керак.

Сумалак — айна шу мақсад учун қони ҳикматли таомидир. Ҳалим эса ўзининг мулоиймлиги ва калорияга эга эканлиги учун ҳам организмга яхши сингади, куч-қувват эта аздади. Қон босимни пасайиб кетган, дармонсиз кишига эса ҳалимдан яхши даво бўлмас керак.

Яллиз таркибидоғи эфир мойи ва ментол моддаси овқатни хуштаъм қилади, иштаҳани очади.

Равоч — сулак ва ошқозон безларидоғи ширани ҳайдайди, овқатни яхши ҳазм қилади, иштаҳани очади. Абу Али ибн Синонинг таърифлашича, равоч кўз нуруни ўткир қилади, қизамиқ, чечак, вабо каби хавфли касалликларни даволашда фойда беради.

Мустақилликка қадар Наврўз байрами муносабати билан тайёрланган сумалак, ҳалим каби миллий таомларнинг оддий бўтқа деб ҳисобланганлигини эслайлик.

Сумалак Наврўзнинг шохона таоми бўлиб, уни тайёрлаш катта санъатни талаб қилади. Сумалак қон босими касалига энг яхши даво, у қон таркибини яхшилайди, томирлар торайган бўлса қонни суюлтиради. Яна сумалак ошқозон ва ичак йўлини тозалайди, унинг фаолиятини кучайтиради, яъни ичкни яхши юриштиради. Кишининг иссиғи ортиб кетган бўлса, тенглаштиради. Уйқусизликда қаттиқ ухлатади ва натижада сумалак ёб ором олган кишининг асабларини изтиробдан халос қилади.

Қириб келаётган табиатнинг уйғониш байрами — Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин.

АКРОМ АКМАЛОВ,
Республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлим мудири, доцент,
ШОИРА АЛИЕВА,
Тошкент Давлат педагогика университети «Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси ўқитувчиси.

НАВРЎЗ — ГЎЗАЛЛИК,
НАФОСАТ БАЙРАМИ

тиради. Ўзбек том маънода бунёдкордир. Аниқроқ қилиб айтганда яхшилик, эзгулик, бунёдкорлик ғоялари халқимиз, миллатимиз табиатини, унинг ўзига хос хусусиятларини характерловчи энг қадимий ғоялардир. Худди шунинг учун ҳам, халқимиз қадим-қадимдан ўзининг фикрлаш тарзида устуворлик қилган яхшилик, эзгулик, бунёдкорлик ғояларини илгари сурган.

Инсон ҳаётида фақат ўзи тўғрисидагина ўйламасдан, балки келажақ авлодлар тўғрисида ҳам қайғуриши лозим. Бир донишманд айтганидек «Бирорта ҳам дарахт ўстирмаган кишининг яшаган ҳаётини бекор ўтган», деб ҳисоблаш мумкин.

Тоғликларнинг фикрича, бир туп арча битта кудуқ билан тенг, у қишда қорни, ёзда намни яхши сақлайди. Ғушунинг афзаллиги шундаки, у ёз саратонидан тангадек оф-

шунинг учун касаллик кўп, дея нолиймиз.

Манбааларда қайд этилишича, айрим хориж давлатларида кимдир оддий чувалчангни шахсий мақсадга кўра тупроқдан ажратиб олса, унга «тупроқнинг табиий ҳолатига дахл қилди» деган айб қўйиб катта жарима тўлашга мажбур қилишар экан. Ёхуд бирорта кўп йиллик гиёҳни таг-томири билан олган кишига худди шундай гиёҳдан яна элик туп кўпайтириб бериш мажбуриятлари юкланар экан.

Хўш биздачи? Қўқлам қони тоғ ҳавосини мириқиб симиришга, сўнг у ердан лолаларни илдизи билан суғуриб шахарга қайтамыз. Гул — бу табиатнинг энг гўзал мўжизаси. У ҳаётнинг қўрқи, шодлик манбаи. Гул билан учрашиб, бу гўзаллик билан учрашиб демакдир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, дунёдаги барча халқларда ҳам табиатнинг

катта байрам сифатида дам олиш кунини деб белгилаши нур устига аъло нур бўлди. Мана, ўн уч йилдирки, Наврўзни шодлик ва хурсандчилик билан байрам қилмоқдамиз. Бу айём яқинлашган сари, қалбларимиз баҳорий ҳис-туйғуларга лиммо-лим тўлиб бормоқда. Бунинг учун ҳурматли Юртбошимиздан, давлатимиздан беҳад миннатдоримиз.

Юртимда улуғ кун муқаддас айём, Ташир буюрмоқда Наврўзи олам. Барчага бу байрам муборак бўлсин,

Қалбимиз баҳорий нуруларга тўлсин. Ҳар бир кунимиз ҳам Наврўз бўлсин деб,

Меҳнатимиз билан юртга бериб зеб,

Кўрсатиб юракдан меҳр-мурувват, Инсоний бурчимиз оқлайлик албат. Эзгу тилакларни дилга жо этиб, Гулгун ҳаётимиз қадрига етиб, Яшайлик шукрона келтириб ҳар дам.

Ёркин истикболга етайлик бардам. Соип МУҲАМЕДОВ

МЕҲР-МУРУВВАТ АЙЁМИ

Наврўз байрами соф ўзбекна миллий қадриятларимизнинг олтин гултождир. Ота-боболаримиз Наврўзни қадимдан янги йилнинг биринчи кунини сифатида нишонлаб келганлар. Зотан «Наврўз» сўзи «Янги кун» деган маънони англатади.

Наврўз байрами жуда узоқ тарихга эга. Маълумотларга қараганда, ҳатто «Авесто» сифатимасдан олдин ҳам бу кун байрам сифатида қадрлаб келинган. Наврўз чин маънода янгиликни, яшариш, гўзаллик, меҳр-мурувват байрами ҳамдир. Наврўз байрами халқ оғзаки ижоди ва бадийи ёзма адабиётда ҳам муносиб тарзда мадҳ этилган. Кўпгина шоирлар, бахшилар Наврўз ҳақида гўзал шеърлар, қўшиқлар, термалар яратганлар. Буюк бобоклонимиз Алишер Навоий «Ҳар кунинг бўлсин Наврўз» деб, уни юксак қадрлаган.

Афсуски, мустабид тузум даврида Наврўз диний маросим деб, таъқиқлаб қўйилди. Уша пайтлардаги бир воқеа ҳамон ёдимда.

Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари эди. Ўзим ишлаётган мактабда Наврўзга бағишлаб адабий кеча ташкил қилдим. Унга ота-

оналар ҳам таклиф этилди. Кечада Наврўз ва унинг моҳияти ҳақида қимматли фикрлар айтилди. Ўқувчилар шеърлар ўқидилар, ашулалар айтиб, рақсга тушдилар. Кеча жуда мароқли ва қизиқарли ўтди. Унда қатнашганларнинг барчаси ғоят шодхурам бўлдилар. Лекин менинг қувончим узоққа чўзилмади. Кимдир юқорига бу тадбир ҳақида хабар етказибди. Натижада мактаб директори билан мен эскилик сарқитларини тарғиб қилувчилар сифатида қораланиб, қаттиқ жазоланган эдик. Шу туфайли Оллоҳга илтижо қилиб, бундай қора кунлар қайтиб келмасин деймиш.

Минг бора шукрлар бўлсинки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча миллий қадриятларимиз қайтадан гул очди. Шу жумладан, Наврўз байрамини тантанали нишонлашга ҳам кенг имконият яратилди. Давлатимиз бу қўтлуғ кунни

Халқимизда «Олтин олма, дуо ол» деган ҳикматли нақл бор. Комил дуога эришиш учун эса кўп савоб ишларни қилиш, ўзидан қутлуғ изларни қолдириш керак бўлади. Мирзо Улуғбек туманидаги Охунбобоев номи 16-маҳалла оқсоқоли Ҳожиакбар ака Азимовни ҳам беистисно худди шундай кишилар сирасига қўшиш мумкин. У ҳамisha падаари-бузрукворининг: «Ҳар бир айтадиган сўзингни олдин дилингда ўйлаб, кейин тилингга чиқар, меҳмондорчиликка бир жойга борсанг етар — иккинчи ера борма, бир ерда ўтирдирганимиз — ўйлаб ўтир, ўйлаб сўйла» каби ўғитларига амал қилиб янгилимади.

Заҳматқашликнинг

ФУҚАРОЛАР КЎНГАИГА ЙЎЛ ТОПИБ

Заргар олтинни, меҳр-оқибат одамни сайқал топирганидек, у бутун умри давомида қўшиқда айтилганидек: «...Шоҳни ҳам, гадони ҳам бир йўлда кўр»гани боис, кўплаб яхши дўстлар орттириди, маҳалла-қўйдан ҳурмат кўрди, эътибор топди.

Албатта, ҳамма мавжуд нарса каби умр ҳам ўлчовли. У дарё каби ҳеч қачон ортага қайтмайди. Ҳожиакбар ака ҳам умрини ана шу ақидага амал қилиб, мазмунли ўтказди, десак муболага бўлмайди.

Олти йиллик ҳарбий хизматни ўтагач, у Тошкент вилояти ёшлар ташкилоти бўлими муdiri вазифасида ишлади. Бу ерда сиёсий ҳушёрлик, инсонпарвар, ҳақпарварлик хислатларини намойиш этган Ҳожиакбар хавфсизлик хизмати икки йиллик мактабига ўқиниға юборилди. Биттиргач, Олмалик, Ғазалкент, Бекобод, Термиз, Қўқон, Янгиер, Тошкент шаҳарлари ва пойтахт вилояти давлат хавфсизлик идораларида фаолият кўрсатди.

Бир воқеа ҳеч ёдидан чиқмайди. Қўнларнинг бирида унга шундай топшириқ берилди.

— Паркентлик бир гуруҳ ҳайдовчилардан шикоят хати олдики. Улар арзини обдон эшитиб, ўрганиб, оқни оққа, қорани қорага ажратиб берсангиз. Адолатни ўз ойнага қарор топтиришингизга илонамиз, — дейишди.

Ҳа, адалат шундай бебаҳо неъматки, унинг қўли узун-

лиги, тиши ўткирлигини исчиботлаш учун ҳам курашиш керак. Бунда аввало, курашаётган одамнинг ўзи ҳаққўй, адалатли бўлиши шарт. Ҳ.Азимов ана шу адаллатни жойига қўйиш учун бир қанча муддат Паркентдаги автокорхонада ҳайдовчилар арзига қўлоқ солди, дардларини синчиклаб таҳлил қилди. Натижада улар амалдаги қонунларни тушуниб-тушунамай шикоят ёзганлари маълум бўлди. Ҳайдовчилар тегинли ҳуқуқий маслаҳат, тавсиялар олиб, ўзларининг ноҳақ эканликларига иқдор бўлдилар. Мана, ўттиз йилдан ошибдики, улар билан ҳанузгача борди-келди ўзилмайди.

Ҳожиакбар ака улфат ва дунё кўрган инсон. Унинг учун давранинг катта-кичиги йўқ. Барчаси билан юракдан ҳавфсизлик хизмати икки йиллик мактабига ўқиниға юборилди. Биттиргач, Олмалик, Ғазалкент, Бекобод, Термиз, Қўқон, Янгиер, Тошкент шаҳарлари ва пойтахт вилояти давлат хавфсизлик идораларида фаолият кўрсатди.

Бир воқеа ҳеч ёдидан чиқмайди. Қўнларнинг бирида унга шундай топшириқ берилди. — Паркентлик бир гуруҳ ҳайдовчилардан шикоят хати олдики. Улар арзини обдон эшитиб, ўрганиб, оқни оққа, қорани қорага ажратиб берсангиз. Адолатни ўз ойнага қарор топтиришингизга илонамиз, — дейишди.

Ҳа, адалат шундай бебаҳо неъматки, унинг қўли узун-

чилиқнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш юзасидан учрашувлар, суҳбатлар ўтказиб туради. Гивандлик, ичкиликбозликка кескин ўт очилганлиги сабабли худудда биронта жиноят қайд этилмаган. Аҳолининг тинч, осуда яшаш тавминланганлиги, маҳалла тобора кўркамлашиб, обод бўлиб бораётгани, ҳар бир фуқаро кўнглига йўл топаётганлиги боис унинг идораси доим одамлар билан гавжум.

— Мен дунёдаги қирққа яқин мамлакатда бўлганман. Йигит-қизларимиз биздан ҳам кўпроқни кўришсин. Бунинг учун бор имкониятни ишга солишга тайёремиз. Ўзим эса, этни тирноқдан ажратиб бўлмаганидек, бир дақиқа ҳам одамларсиз яшашни тасаввур қилолмайман. Улар дилидаги билгим, ёрдам қўлини чўзим, дардига малҳам бўлгим келаверди. Бўш пайтларим китоб ўқишни, шеърлар машқ қилишни, кўлимга дутор олиб, киргойи қилишни яхши кўраман. Чунки санъат билан ошно бўлган одамни эзгулик ҳеч қачон тарк этмайди...

Шайх Насафий: «Дунёнинг барча одамлари ўзларича ўзгалардан нур излаб яшайдилар, зеро, одам аввало нурни ўзини, турли тартибузарлик, жиноятлар илдизига болта урилади. Ҳожиакбар ака маҳалла фаоллари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари кўмагига таянган ҳолда иш кўради. Вақти-вақти билан аҳоли ўртасида ҳуқуқий мавзуларда, жиноят-

Абдунаби МАННОПОВ, Камолиддин МИРЗААХМЕДОВ

2004 — Меҳр ва мурувват йили

МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИ — ЮРТ ТИНЧЛИГИ

Ҳар бир жабада ободончиликка, орасталик ва гўзалликка интилиш миллатимизга хос хусусиятлардан бири. Серсели туманидаги «Ёрқин ҳаёт» маҳалласида истиқомат қилувчи 9000 нафарга яқин аҳоли ҳам ўзлари яшаётган масканнинг обод ва серфайз бўлиши учун ҳамжиҳатликда ҳаракат қилмоқдалар. Маҳаллада, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

— Бу борада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг ёрдами катта бўлмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоҳир Норматов. — Улар билан ҳамкорликда турли спорт мусобақаларини уюштириб турамыз. Яқинда 285-мактабда ўтказилган спорт мусобақаси айниқса барчага маъқул бўлди. Ғолиблар алоҳида рағбатлантирилди. 150 нафар болажонлар учун байрам дастурхони ташкил этилди.

Маҳаллада кам тавминланган оила-

лар, ногирон ва яқка ёшларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор берилаяпти. Жумладан, ҳар байрамда улар учун соғва-салом ташкил этилади, муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатилади. Бу борада тadbиркор Мирзаъзам Мирзауловнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Мирзаъзам хусусий корхона ташкил этиб, маҳалла аҳолисини иш билан тавминлади. Бу корхонада 40 нафардан ортиқ ишчилар турли ҳажмдаги плиталарни ишлаб чиқармоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси

тавсияси билан ўтган йилги ёзги таътил пайтида кам харжли оилаларнинг фарзандлари ҳам ишлаб, маош билан таъминланишди.

— Меҳр ва мурувват йилида эзгу ишларимизни янада фаоллик билан давом эттирамиз, — дейди оқсоқол сўзида давом этиб. — Маҳалламизда оқибатли, мурувватли инсонлар кўп. Улар қўлларидан келганича муҳтожларга моддий ва маънавий кўмак беришга интиладилар.

Шаҳноза ЮСУПОВА



Мурувват

РАҲМАТ СИЗГА, ЯХШИЛАР!

Юртимизда кадр-қиммат аёлми бўлган умрбоқий Навруз байрамининг муносиб кутиб олишга қизгин тайёргарлик ишлари кетмоқда. Хайр-саховат, эзгулик юмушлари эса аллақачон бошлаб юборилган.

Акмал Икромов туманида жойлашган «Оқтепа» маҳалласида ҳам бу борада айтишга аризулик тadbирлар ўтказилмоқда. Маҳалладаги кам тавминланган, қаровчиси йўқ яқка-ёлғизлар ҳолидан хабар олиниб, уларга ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Жумладан, маҳалладаги кекса, ногирон Муҳтабар ая Очилованинг хонадонига «Навруз аёлми» муборак бўлсин, онахон» дея маҳалла фаоллари кириб келганида ҳаёт тақозоси билан ёлғизланиб қолган нуроний онахоннинг кўзларида севинч ёшлари қалқди, кўнгли тоғдек кўтарилди.

— Илоҳим юртимиз тинч бўлсин, саҳийқалб инсонлар кўпайсин, — дея дуога қўл очдилар. Ҳа, дарҳақиқат муборак Ҳадисларда ҳам бир ғариб кўнглини шод этмоқ, минг Макка зиёрати билан баробар деб бежизга айтилмаган. Юртимизга кириб келаётган қутлуғ Наврузимиз барчамизни эзгуликлар томон бошласин.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТДА: «Оқтепа» маҳалласи фаоллари Муҳтабар ая Очилова хонадонига. Ҳақимжон Солихов олган сурат.



Туманларда

МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА

«Янгиобод» маҳалласи Шайхонтоҳур туманидаги энг кўхна маҳаллалардан ҳисобланади.

Кўпни кўрган, қайвони, ҳаёт тажрибаси лиммо-лим бўлган табаррук инсонлар истиқомат қиладиган ушбу сўлим масканда аҳолининг тинч-тотув, ҳамжиҳатликда яшашлари, ёрдамга муҳтож, ногирон, яқка-ёлғиз инсонларга кўмак кўрсатилиши борасида талай ибратли юмушларга қўл урилган. Хусусан, 1998 йилда маҳаллада Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгашининг Шайхонтоҳур туман тиббий ижтимоий ёрдам кўрсатиш хонаси туман ҳокимлиги ҳамкорлигида очилиб самарали фаолият кўрсатмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг асосий вазифаси энг муҳим устувор йўналиши энг нозор, кам тавминланган оилаларга, табиий офатлардан жабр кўрганларга инсонпарварлик, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. — Марказ ёрдами билан маҳалламиздаги 14 нафар ёлғиз қари-яларга, 42 нафар кўп болали, кам

тавминланган оилаларга тиббий ёрдам кўрсатиб келинмоқда, — дейди «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда Қизил Ярим Ой жамияти бошланғич ташкилоти раиси Абдор Ашрафов. — 21 нафар фуқароларимиз эса Республика диагностика марказида тиббий кўрикдан ўтказилиб, улардаги касаллик аниқланиб, бепул дсри-дармон билан таъ-



Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ҳамкорлигида очилиб самарали фаолият кўрсатмоқда.

минландилар. Худудимиздаги 14-оилавий шифохона шифокор ва ҳамширалари ташаббуси билан маҳалламиз клубида ўтган йили 170 нафар фуқаролар кўп профили диспансеризациядан ўтказилди. Германия Қизил Ҳоч жамияти томонидан 47 нафар фуқароларимизга бепул зарур дори-дармонлар олиб берилди.

Азиза ИКРОМОВА СУРАТДА: (ўнгдан чапга) «Янгиобод» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси Манзура Валиева комиссия аъзолари Гулю Валиева ва Победа Алимовалар билан навбатдаги иш режалари юзасидан маслаҳатлашмоқда

Тadbирлар

ҚИЗИҚАРЛИ ДАВРА СУҲБАТИ

Шаҳримиздаги «Шодлик» маҳалласида ёшлар ўртасида гивандлик, турли диний оқимларга кириш ҳолатлари ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида «Мақтаб, оила, маҳалла» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Дарҳақиқат, ёшларни етук ва баркамол этиб тарбиялашда аввало мактаб, оила ва маҳалланинг ўрни каттадир. Жамиятнинг негизи ҳисобланмиш мазкур уч тармоқ ҳаётида айниқса, ёшлар орасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари, турли экстремистик ҳаракатларнинг олдини олиш бов вақфадир.

Мазкур давра суҳбатида шифокор-нарколог Нодира Дадабоева, «Маҳалла ёшлар тарбиячиси» марказининг туман бўлими раиси Шаҳноза Умархўжаева ҳамда маҳалла оқсоқоли, фахрийлар сўзга чиқиб ёшларнинг бўш вақтларини сермезмун ва фойдали ишлар билан ўтказишлари кераклигини таъкидлашди. Мактаб ўқувчиларини дарсдан ташқари вақтларда спорт турларига жалб қилиш ва бунинг учун шароитлар яратишига келишиб олишди. Ўз навбатида ўқувчи-ёшлар томонидан ҳам турли тақдирлар билдирилиб, улар ўз хоҳишларини, мулоҳазаларини очиқ-ойдин айтишди.

Юлдуз РИЗАЕВА

Ёшлар — келажакимиз

БИЛИМЛИ, ҲУНАРЛИ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

Маҳалла азал-азалдан таълим-тарбия, ахлоқ-одоб маскани ҳисобланиб келган. Ҳамжиҳатлик, тотувлик ҳукми сурган масканда вояга етаётган ҳар бир ёш миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз асосида тарбия топган. Мустақиллик йилларида эса маҳаллаларга эътибор янада кучайди, қадриятларимиз ўчоги бўлмиш муқаддас масканнинг чирой очилиши, ҳамжиҳатлик, бир-бирини қўллаш каби азалий одатларимизнинг ривожланиши йўлида қатор хайрли ишларга қўл урилди. Наслимиз давомчилари ёшларимизнинг илмли, одобли, соғлом бўлиб вояга етишлари йўлида олиб борилаётган юмушлар эса айниқса эътиборлидир.

Чилонзор туманидаги «Бўстон» маҳалласида ҳам унинг-ўсиб келаётган фарзандлар камоли, уларнинг турли оқимлар, аср вабоси ҳисобланмиш гивандлик каби иллатлардан нари бўлишлари, бўш вақтларини бекор ўтказмасликлари йўлида педагог-тарбиячи, посбонлари раисаси, Саидмурод Сатторов каби педагог-тарбиячиларимизнинг бу борада амалга ошираётган ишларини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Маҳаллада шундай жонкусухбатда «Бўстон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Йўлдошхўжа Абдурахмонов. — Худудимизда 9 та кўп қаватли, 4 та оилавий ётоқхона, хусусий уйлардан иборат «Бектўпи» бўлага жойлашган. Аҳолимизнинг 2180 нафарини вояга етмаганлар ташкил қилади. Шунинг учун ҳам биз ёшларнинг бўш вақтини тўғри тақсимлаш, ўқишга кўп ўртасида ҳурмат-ёки ишга киришларига ёрдамлашиш, спорт би-

лан шугулланишлари каби юмушларда ёрдам бериб келмоқдамиз. Сардоримиз Раҳим Шоқосимов бошчилигидаги Тоҳир Расулов, Шухрат Файёвандлик каби иллатлардан нари бўлишлари, бўш вақтларини бекор ўтказмасликлари йўлида педагог-тарбиячи, посбонлари раисаси, Саидмурод Сатторов каби педагог-тарбиячиларимизнинг бу борада амалга ошираётган ишларини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Маҳаллада шундай жонкусухбатда «Бўстон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Йўлдошхўжа Абдурахмонов. — Худудимизда 9 та кўп қаватли, 4 та оилавий ётоқхона, хусусий уйлардан иборат «Бектўпи» бўлага жойлашган. Аҳолимизнинг 2180 нафарини вояга етмаганлар ташкил қилади. Шунинг учун ҳам биз ёшларнинг бўш вақтини тўғри тақсимлаш, ўқишга кўп ўртасида ҳурмат-ёки ишга киришларига ёрдамлашиш, спорт би-

— Касбим ўқитувчи, — дея суҳбатга қўшилди маҳаллада 2002 йилдан бери педагог-тарбиячи бўлиб ишлаб, намунали хизмати билан катта-кичик ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган Саидмурод Сатторов. — Маҳал-

ламиз ёшларининг бекорчи вақтлари бўлмаслиги, мактабга бормай ёки ҳеч қачонга ишга ёки ўқишга жойлашмай юришларининг олдини олишни асосий вазифамиз деб биланман. Чунки барча иллатлар бекорчиликдан, бемақсад кўчада сандироқлаб юришдан чиқади. Шунинг учун ҳам ота-оналар билан ҳамкорликда барча омилларни ишга солишга, умид билан ўстираётган фарзандларимизнинг бирон хунар эгаси бўлиб, элу юртига, оиласига фойдаси тегадиган инсон бўлиб вояга етишига ҳаракат қилмоқдамиз. Уларнинг бўш вақтларида шугулланишлари учун маҳалладаги спорт майдончасини таъмирлаб, футбол, волейбол майдончаларида барча шароитни яратиб берганмиз. Бундан ташқари шахмат-шашка тўғраги ҳам ишлаб турибди. Ниятимиз биздан жисмонан соғлом, маънан баркамол фарзандлар қолсин.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Ҳаётининг қайиғиларини қайиғиларини

БОР БЎЛСИН, ОҚИБАТ!

Азал-азалдан бир бурда нонни ҳеч кимдан аямаган, оғир кунларда ёлғизлатиб қўймаган, беминнат кўмак беришга тайёр бўлган халқнинг фарзандларимиз. Бу йилги бежизга «Меҳр ва мурувват йили» деб номламадик. Ниятимиз қон-қонимизга сингиб кетган одамийлик, инсонийлик, олижаноблик фазилатларимиз янада ошсин, йиқилгани суяб, ёрдамга муҳтожлардан ширин сўзимизни, имкон қадар кўмагимизни аямайлик.

Тахририятимизга келган мактублардан бири шундай деб бошланади: «Бу воқеани ёзиб «Тошкент оқшоми» газетасига берсаммикан... Бир ҳафта ўйлаб юриб, охири ёзишга қарор қилдим. Ахир орамизда шундай кенг феълли, олижаноб инсонлар борлигини билиб қўйсак, ёмон бўлмайди. Менинг ёшим ҳозир 78 да. Пенсиядаман, соғлигим кўп безовта қилади, дори-дармон билан «кўп гаплашаман». Бундан ўн йиллар муқаддам атиги икки йил бир инсоннинг қўлида ҳайдовчи бўлиб ишлаган эдим. Қуни кеча ўша инсон оқтепалик Авазхўжа ҳамда укалари Саидолимхўжа Қосимовлар ўғлимни кўриб қолиб, менга салом айтиб, дори-дармон учун ишлатсинлар деб 50.000 сўм бериб юборишибди. Ким учундир бу иш арзимас бўлиб кўринар, лекин...

Эҳ-хе, орамизда минг афсуски, бир-биридан хабар олишга ҳам ярамайдиган ака-укалар қанча. Қўшнисининг ҳолидан бехабар Ҳожибоблар қанча. Мени кечирсинлару, бир дарадманд кўнглини хуш қилолмаган, муҳтожлар ёнидан сезмай ўтиб кетадиган бой-вачча йигитларимиз қанча. Улар ҳақида тез-тез эшитиб қоламиз, ўқиймиз. Уйлайманки, фақат улар ҳақида эмас, саҳий-қалб, саховатли инсонлар ҳақида кўпроқ ёзиш керак.

Ахир халқимизда «Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради» деган нақл бор. Зора, фақат бу дунёсини ўйлаб, мол-дунё тўплаш илинқида югуриб-ёлаётганлар шундоққина ёнларидан турган ногирон, кекса, моддий томондан қийналиб қолган инсонларга нигоҳларини қаратсалар. Икки дунё саодатига эришиш йўлини тутсалар. Сизнинг арзимаган эътиборингиздан кўнгли кўтарилган табаррук инсонларнинг дуолари олтинга тенглигини унутман деб Тошкент вилояти, Урта Чирчиқ тумани, Роботан ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Эргашхўжа Маърипов. Тахририятимизга бу мазмундаги хатлар тез-тез келиб турибди. Демакки орамизда бировнинг дардини ўзиники каби қабул қила оладиган, эътиборга, меҳрга ташна инсонлар ҳолидан хабар оладиган саҳийқалб, саховатли инсонлар сафи ҳам кўпаймоқда. Ният қилардикки, Эргашхўжа ота қаби инсонларнинг дуоларини олаётган тadbиркорларнинг омадлари қулсин, улар қилаётган эзгу юмушлар эса яхшиликнинг қаноти бор, деганларидек бутун Республикаимизга ёйилсин, бошқаларга ибрат бўлиб, уларни ҳам ўз ортидан эргаштирсин.

(Ўз мухбиримиз)

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА
Домо бўлар...

• Бир одам ўзининг қилган хато ишларини, камчиликларини буйинга олиб эътироф қилса, унинг иқроф ва эътирофи, тавозе, камчиликларини дўстларига айтиб юриши — соддадиллик қилган хатоларидан ушаймон еб, ўз-ўзини тергаши — улғулик асаридир.

• Меҳмондорчиликка қақирилмаган бўлса ҳам қақирилганлар билан бирга бориш, овқатга ҳаммадан илгари кўл чўзиш, икки киши сўзлашиб турганда орага сўқилиб, уларнинг сўзларини бўлиб сўзга киришиш, ўз мартабаси, даражасидан юқори чиқиб ўтириш — инсонга пастлик, тубанлик келтиради. Бу ишлар инсоннинг обрўсини тўқади.

• Ҳиндистонлик олимлардан Ашраф Али айтиди: Анушервон Одинавнинг лочини ўз боғичини узиб, бир кампирнинг уйига учиб тушди. Кампир ушлаб олиб оч қолган бўлса керак деб ўйлаб лочиннинг олдига бир ҳовуч дон селди. Гўштхўр лочин донга илтифот қилмаганини кўрган кампир:

— Бу бояқиш қушнинг тумшуги эгри, шунинг учун донни териб олиб еяолмай турибди, энди унинг тумшугидан эгри жойини кесиб олиб, тузатиб қўйишим керак, — деган ҳаёл билан лочиннинг тумшугини кесди. Кейин бирдан унинг тирноқларига кўзи тушиб қолиб:

— Шўрлик қушим, тирноқларинг жуда ўсиб кетгани учун юролмай, қийналиб қолганга ўхшайсан, кел, сени тирноқ азобидан ҳам қутқариб қўя қолай, савоб бўлади-ку, деб лочиннинг ҳамма тирноқларини туб-томирдан сугуриб олди. Шу билан бечора лочинни ҳалокатга етказди.

Анушервоннинг одамлари лочинни ахтара-ахтара уни кампирнинг уйидан ўлик ҳолда топдилар, бу қайғули воқеадан Анушервонни хабардор қилдилар. Анушервон лочиннинг ўлганига кўп афсусланиб қайғурди. Унинг вазиридан бири:

— Бу кампирга жазо бериб, унинг ҳам тирноқларини сугуриб олиш керак, — деди, иккинчи вазир кампирни зиндонга ташлашни маслаҳат берди. Учинчи бир вазир эса яна бошқача бир жазони таклиф қилди. Анушервон вазириларнинг сўзларига илтифот қилмай айтиди:

— Кампирга жазо бериш тўғриси эмас, жазо берасан, зулм, адолатсизлик қилган бўлмасин, чунки кампирда ҳеч бир айб йўқ. Лочин ўз қадрини поймол қилиб кампирдан гўё ёрдам талаб қилгандек унинг уйига учиб тушди. Нодон кампир лочиннинг кадр-қимматини қаердан билсин?

У лочинга ачиниб ўз ақл, тушунчасига мувофиқ ёрдам кўрсатмоқчи бўлди. Фақат унинг ёрдами «қош қўяман деб кўз чиқарганга ўхшаш лочиннинг ҳалокатига сабаб бўлди. Бу воқеадан ҳаммамиз ибрат олишимиз керак. Ҳар бир киши ўз қадрдонини ташлаб, кадр-қиммати нима эканини тушунмаган киши ёнига бориб, унга ўз ихтиёрини ташласа, ўзининг ҳалокатига сабабчи бўлади, лочиннинг ҳолига тушади.

Спортнинг заҳматкашлари

Асқар ТОЛИБЖОНОВ:

«ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЖИСМОНИЙ ЧИНИҚИШИ — МИЛЛАТИМИЗ СОҒЛОМЛИГИ ДЕМАҚДИР»

Спортимизнинг заҳматкашлари, жонқуярлари кўп. Шу сабабдан ҳам олимпиада ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари, кўплаб йирик халқаро турнирларда мамлакатимиз спортчилари галабалари шарафига давлатимиз мадҳияси тез-тез янграмоқда. Шундай заҳматкашлар бор экан, келажак авлод жисмоний жиҳатдан чиниққан, эпчил ва чаққон, спортга ошно бўлган ҳолда вояга етади. Демакки, миллат соғлом бўлади.

Спорт муҳлислари орасида «Пахтакор» жамоаси бош директорининг биринчи ўринбосари, Тошкент шаҳар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси раҳбари, фан номзоди, Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган мураббий Асқар Толибжоновни танимайдиганлар топиламан керак. Бутун умрини мамлакатимиз спортни ривожига бағишлаган, жисмоний тарбия институтини тамомлаган 1981 йилдан «Пахтакор» жамоасида илмий-услубий гуруҳ аъзоси вазирида иш бошлаган, сўнг илмий мураббий, жамоа бошлиғи сифатида фаолият кўрсатган, 2003 йилдан буён шаҳар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси директори Асқар Имомжонович ҳам айнан том маънодаги ўзбек спорт заҳматкашлари қаторига кириди.

Ўзим ушбу жонқуяр, қувнок, сержаракат ва эпчил инсонни 15 йилдан буён биламан. Кўп жиҳатдан унинг сай-ҳаракатлари, оқилона йўл-йўриқлари билан «Пахтакор» жамоаси мамлакатнинг бир неча бор чемпиони, кубоги соҳиб бўлгани, халқаро турнирларда муваффақиятга эришгани, қисқа фурсат ичида бўлса-да шаҳар болалар спортини сезиларли даражада жонлангани, кўплаб янги иншоотлар бунёд этилишида ўзига хос ҳиссаси борлигининг беvosитаси гувоҳиман.

Шу сабабдан Асқар ака билан суҳбатимиз ҳам тезда қовушиб кетди.

— **Асқар Имомжонович, 24 йил давомида «Пахтакор» жамоасида фаолият кўрсатдингиз. Бир оз мулоҳаза билан айтганда ушбу жамоа иккинчи уйингизга айланди. Шу жиҳатдан олганда, бутунлай янги соҳа — болалар спортга киришингиз қийин кечмадими?**

— Албатта, «Пахтакор»нинг қувончу ташвишлариға шерик бўлиш, оз бўлса-да унинг ютуқлариға ҳисса қўшишға интилиш, нокамтарликка йўллангану ҳаётим мазмуниға айланганди. Бирок, мен Тошкент (ҳозирги Ўзбекистон) Давлат жисмоний тарбия институтини тамомлаганман. Маълум жиҳатдан педагогман. Мени шаҳар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси раҳбарлиғига лойиқ қўришган экан, йўқ деб ўлмадим. Қўлдан келганча бор таҳриба, маҳоратимни ишға солган ҳолда бу йўналишдаги фаолиятни бошлаб юбордим.

— **Шаҳар ҳудуди катта. Демакки, қилинадиган ишлар ҳам кўп. Фаолиятни бошлашда да-**

стлаб нималарга эътибор қаратдингиз?

— Албатта, дастлаб Тошкент шаҳридаги спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, уларға ёшларни кенгроқ жалб қилиш мақсадида мавжуд барча иншоотлар рўйхатдан ўтказилди. Натияжада шаҳардаги спорт майдончалари ва заллари, сузиш ҳавзалари, уларнинг сизими, спорт секциялари ва уларда қатнашаётган ёшлар сонни тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлди.



Бундан ташқари болалар спортни ривожига учун пухта замин яратиш ва келажакда ишларни тўғри ташкил этиш мақсадида спорт билан шуғулланувчи 6-17 ёшдаги болаларнинг таҳлили мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Таҳлиллар шунки кўрсатадики, 2003 йил 1 июнь ҳолатига бу кўрсаткич 22,8 фоизни ташкил этгани ҳолда бугунги кунда 43,7 фоиз ёшлар (болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчиларини ҳам қўшган ҳолда) спорт билан шуғулланмоқда.

Умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларида спортнинг оммавий турлариға қаратилган тўғаракларни изчил йўлга қўйиш оза-сида илмий таҳлиллар ва сўровлар ўтказилиб, спорт турларини ривожлантириш бўйича 3 йилга мўлжалланган тақримот ишлаб чиқилди. Шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда спорт базасига эга бўлган 83 та умумтаълим мактабларида келгусида махсуслаштирилган спорт турлари бўйича синфлар таш-

килитилиши кўзда тутилган.

— **Болалар ўртасида оммавий спортни ривожлантиришға қандай аҳамият қаратилмоқда?**

— Оммавий спортни ривожлантириш ҳам фаолиятимизда устувор йўналишни ташкил этади. Бу борда «Отам-онам ва мен — спортчи оила», «Футболимиз келажак», «Биз ёш пахтакорчиларимиз», «Оммавий югуриш марафони» каби мусобақалар, миллий кураш ва ҳаракатли ўйинлар эстафеталари, спортнинг техник турлари бўйича мусобақалар

тез-тез ташкил этилмоқда. Болалар тарбиясида спортнинг тутган ўрнини ота-оналар онгига синдириш ва ёшларни спортнинг оммавий турлариға жалб этишни тарбия қилиш мақсадида Республика ва жаҳон миқёсидаги спорт мусобақаларида юқори натижаларға эришган таниқли спортчи ва мураббийлар билан маҳаллаларда, умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейларда учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилмоқда.

— **Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганға ҳам бир йилға яқин вақт ўтди. Бу жуда қисқа муддат, албатта. Шундай бўлса-да спорт иншоотлари қурилиши, мавжудларини таъмирлаш, спорт секцияларини очиб боради маълум ишлар амалға оширилган бўлса керак?**

— Шубҳасиз, пойтахтнинг ўзига қос жиятларига алоҳида аҳамият қаратган ҳолда янги спорт иншоотлари қурилиши ишлари олиб боришмоқда. Хусусан, ҳозирда шаҳар-

даги мавжуд спорт иншоотларида ёшларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун шароитлар етарли. Шундан келиб чиқиб, Республика раҳбарияти билан келишилган ҳолда Тошкент шаҳрида спортнинг маълум турлариға ихтисослаштирилган спорт мажмуалари бунёд этилмоқда. 2003 йил давомида тўртта йирик спорт мажмуаси фойдаланишға топширилди. Жорий йилда эса 12 та йирик спорт иншоотлари қуриб битказилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, ўтган даврда спортнинг 21 тури бўйича 52 та янги секциялар очилиб, уларға қўшимча 7154 нафар болалар жалб этилди. Спорт иншоотларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида улар жойлашган ҳудудига қараб маҳаллаларға бириктирилди.

2003-2008 йиллар давомида пойтахт ўқув муассасалари спорт иншоотларини таъмирлаш ва янги спорт иншоотларини барпо этиш бўйича дастур ишлаб чиқилиб, унинг ижроси бўйича шаҳардаги таълим муассасаларидаги спорт мажмуаларининг 75 таси таъмирланди. Туман маҳаллаларида вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида туман ҳокимликлари ва ҳомиёлар ҳисобидан 132 та маҳалла спорт майдонлари таъмирдан чиқарилди. Спорт залига эга бўлмаган 17 та мактабда залларни қуриш мақсадида 2004-2005 йилларға мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди.

Жорий йил охиригача Сергели туманидаги Алавия кўчаси, Шайхонтоҳур туманидаги Белтепа мавзеси, Чилонзор туманидаги «Сўғалли ота» маҳаласи, Бектемир туманидаги Соловёва кўчасида замонавий спорт мажмуалари қуриб фойдаланишға топширилиши мўлжалланган.

— **Ўлкамизда Наврўз нафаси кезмоқда...**

— Фикрингизни тушундим. Наврўз умумхалқ байрамини муносиб кўтиб олишдан бизнинг жамғармамиз ҳам четда қолгани йўқ. Хусусан, шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси билан ҳамкорликда 15-25 март кунлари шаҳримиздаги барча меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар ҳамда мурувват уйларида спорт тадбирларини ўтказаямиз. Бунда барча ғолиб ва совриндорлар махсус соғвалар билан тақдирланди. Шу билан бирга 100-мактаб спорт залига «Отам-онам ва мен — спортчи оила» мусобақаларининг финал қисми ўтказилди. 27 мартда эса Наврўз байрамига бағишлаб югуриш марафони ўтказилди.

Асқар ака билан узок суҳбатлашдик. Кунчи кеча 50 баҳорини қаршилагани муносабати билан барча муштарийларимиз номидан муборакбод этдик. Қутлуг ярим асрга юзлаган бўлса-да, қувноклиги, чаққонлиги, серғайратлиги босиб кўришидан ҳали қирққа ҳам кирмаган спортчини эслашувчи, оёғидан ўт қақнаб турувчи бу жонқуяр инсоннинг болалар спортини ривожлантиришдек савобли ишларида омадлар ёр бўлиши тилақдошимиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Табиаат — олам қилмоғи

ГУЛ ШАЙДОСИ

Олимлар шаҳарчасида яшовчи Кумриниса ая Турғунованингу гул етиштириш соҳасидаги таҳрибалари билан ўртоқлашини ниятида у кишининг уйига бордик. Кўчадан шуңдоққина кўриниб турган, кўп қаватли уйнинг айвонидаги жажжи боғчани кўриб, хангу манг бўлиб қолдик. У ердаги юзга яқин ҳар хил тувақда бўй чўзиб, барг чиқариб гунча ёзаётган гулларға ҳавасимиз келди.

— Бунинг ҳеч ҳайрон бўладиган, ажабланидиган ёри йўқ, — дея бизға пешовоз чиқди Кумриниса ая. — Ҳамма гап қилаётган ишингизға нечоғли ёндошингизда. Чиройли ва хушбўй гулларни шунчаки ҳавасға экиб бўлмайди. Гул ҳам асли биш тирик инсонлар каби нозик.

— **Сиз гулларни қандай парвариш қиласиз, уни қандай озиклантасиз?**

— Бу ерда, «дом»дагилар ҳам гул экишни, айвонларини чиройли қилиб гуллар билан безашни ҳоҳлайдилар-у, аммо уларнинг парвариши учун керак бўладиган ўғитлар билан тўйин-

тириш ҳақида ўйлашмайди.

— **Сир бўлмаса айтсангиз, парвариш учун асосан...**

— Бунинг ҳеч қандай сирини йўқ. Бунинг учун биринчи гапда минерал ўғит, озгина кум, кейин шох-шабча қули каби чириндилар керак бўлади, холос. Сўнгра ўз вақтида сув қуйиб туриш лозим. Яна, қайси гул қанчадан сув ичди, қанча сувсизликка чидайди, қанча ҳароратда яшайди... буларни тўла ҳисобға олиш керак, гул парваришлиши ҳам шундай билиш керак. Баъзан қўшилган гулларимни кўриб, «Неға сизнинг

гулларингиз япроқлари катта-катта-ю, бизники эса қалта ва нимжон?», деб сўрашади. Ҳамма гап парваришда, дейман уларға. Кўрдингизми, одамлар бу гўзал неъматлар қаердан пайдо бўлаётганини билишмайди. Булар инсоннинг меҳр-муруввати, раҳим-шафқати, гўзалликка ошуфталиги меvasи.

— **Ая, гуллар гапирди, дейишади...**

— Авваллари мен ҳам шунга ҳайрон бўлардим. Кейинчалик гулчилик илмини мендан ҳам яхши биладиган танишларимдан сўраганимда улар бунни тасдиқлашди. Кейин улар айтганидек, бир гулнинг (номини айтмайман) олдига ҳар сафар сув кўтариб борсам, япроқларини титратандек қилиб, силкитиб-силкитиб қўяди. Сув қуйиб бўлганимдан кейин эса, яна бир марта титранади. Ҳа, эмиш бу ҳолни миннатдорчилик белгиси деб тушундим. Хуллас, гул бор жойда тинчлик, аҳиллик, бахтиёрлик, хотиржамлик бор. Биз учун ҳам бугунги кунда энг керакли нарса, бу — хотиржамликдир.

Зоир ТУРСУНОВ.

Билиб қўйган яхши**ТУЗ—ДОРИ**

Тузнинг дорилиги тўғрисида Абу Али ибн Синонинг Тиб қонунлари китобида аjoyиб фикрлар бор. Масалан: «Баъзи тузларда аччиқлик ва буриштириш хоссаи бор...»

... Тузнинг баъзиси уваланадиган, баъзиси қазиб олинандиган, баъзиси эса кристал оқ туз диган. Яна қора нефтли туз ҳам бўлади.

Табиати: Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Туз қанча аччиқ бўлса, шунча иссиқлик бўлади. Туз сасишга тўқсинлик қилади. Талоқнинг қалинлашувига фойда қилади.

Тузни ўзи дизентерия (ич-бурӯ) учун энг яхши тузатувчи воситадир.

Халқ табобатида тиш милклари шамоллаб оғриганида тузли қайнатма билан чайқалса, тақда тўхтадиган дори тайёрлашади. Катта қошиқда туз, кичик қошиқда қора чой, ярим литр сув обдон қайнатилади оғизга олиб бироз турилади, яна хўлланади, токи лўқилламагунча. Лўқиллаш милклардаги капиллар қон томирларининг кенгайишини билдиради, қон юришиб шамоллаш барҳам топади.

Тузли қайнатмадан оёқларга ванна қилинади, бунинг учун икки пақир сувга ярим килограмм туз солиб қайнатилади, тоби бир оз чиққач 200 грамм хардал (горчица) солиб аралаштирилади, иккала оёқни солиб 30 минут ўтирилса, бодни қайтаради ва ҳоказо.

ШОЛҒОМ

Она табиатнинг донолигини қарангки, нозиньматларни барча фасларга қолдирган. Шулардан бири шолғомдир.

Шолғом истеъмол қилиш нафас йўлларидagi хасталикларни даволайди, кўриш қувватини оширади. У овқат хазм қилиш йўлларини тозалайди, эски овқат қолдиқларини суриб чиқаради, катта таҳоратни майинлаштиради ва кунда 2-3 марта тага кўпайтиради. Бу билан меъда мустаҳкамланади.

Шолғомнинг яна бир ижобий ҳислати бор. У бурун бўшлиғидаги ҳамма шиллиқларни чиқариб ташлайди. Шунингдек, қонни тозалайди. Кайфиятни кўтаради. Бироқ шолғом қай тарзда, қанчадан ва нималар билан истеъмол қилинишининг халқ табобатида яхши ишлаб чиқилган тизими бор. Хар қандай шолғомни икки марта ярим қадоқдан (200 грамм) киргичдан ўтказиб, хом ҳолда истеъмол қилинади. Сўнг кам деганда бир соат нарса емаслик, ичмаслик лозим. Бундай даволаниш жараёнида хар кунига икки марта икки пиёладан қатиқ ичиш керак. Қовурилган, ёғли овқатлар, қаз, кабоб ва сут вақтинча истеъмол қилинмайди. Шунингдек қандолат маҳсулотлари ҳам вақтинча тўхтатилади. Суюқ қайнатма, бугда пишган димлама овқатлар ейиш мумкин, гўшт эса иложи бўлса қийма ҳолида истеъмол қилиниши яхши. Асал, мева, сабзавотлар, сузма, пишлоқ истеъмол қилишга рухсат берилади. Суви қочган ёки қаттиқ нон фойдаланмади. Уни ивтиб истеъмол қилиш ҳам бўлади.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўрғазмалар залида намоийш этилаётган Болалар бадий ижодиёти республика маркази тасвирий санъат студиясига қатнаётган пойтахтимиздаги 249-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Чарос Исмоилованинг ижод намуналари санъат ихлосмандлари эътиборини тортмоқда.

Кўрғазмалар**УМИДЛИ МУСАВВИРА ИЖОДИ**

Чарос ихчам рангтавсирларида улкан рақсомларга хос муҳим мавзуларни илғаб олганини кўраемиз. Масалан, 2000 йилдаги машқларидан бири — «Биз Орлолни асраймиз» деб номланган. Маълумки, бир неча йилдан буён Орлол дарди билан яшапмиз. «Ақл ёшда эмас, бошда» деганларидек, Чарос Исмоилова кўпчилик ўйлаган фикрларни ранг тасвири орқали акс эттирган. Тинчлик рамзи ҳисобланмиш оқ кабутар тумшугида челақча тўла сув билан Орлолга келмоқда, унинг орқасида бола қиёфасида фаришталар булутларга миниб олишган, уларнинг ҳам қўллариди челақча. Орлолни сувга тўлдириш ҳаракатида осмонда парвоз қилиб юришибди. Бу жажжи мусаввиранинг ўй-хаёллари, орузи албатта. Унинг хаёлоти кучли эканлигини 2002 йилги уринишлари — «Фаришталар», «Фаришталар базми» тасвирларида аниқ кўриш мумкин. Ушбу кўрғазмадан ўрин олган расмларида ҳам оппоқ булутлар устида парвоз этиб бораётган

бола тимсолида қанотли фаришталарни кўраемиз. Расмини томоша қилиб, завққа тўлаемиз. Чарос Исмоилова ўз ижодида халқ меъросига, тарихига, миллий анъаналарига эътиборини қаратган. Биринчи навбатда Алишер Навоийни эслаб ўз тасаввурича, бировларниқидан кўчирмаган ҳолда билганича «Алишер Навоий» қиёфасини аллақачон, 1999 йилда тасвирлаган. Илк иши бўлсада ҳаракатлари, шоирга бўлган ҳурмат, эҳтироми билинган. «Хамса» асосида «Фарҳод ва Ширин», «Довроқ Фарҳод», «Лайли ва Мажнун» расмларини ҳам яратибди. Халқ оғзаки ижоди асосидаги чизилари — «Тоҳир ва Зухра», «Алломиш ва Барчино» расмларида меҳр-муҳаббат, довроқлик ҳаётини акс этган. Бобур, Увайсий, Нодирабегим, Зебунисо каби шоир ва шоираларимиз қиёфасида ўйчанлик, ақл-заковат балқиб туриши Чарос Исмоилованинг портрет санъатида ҳам қобилияти борлигини билдиради.

Тасвирий санъатга ихлос қўйган

ўқувчи, уринчқоқ ҳаваскор мусаввира Чарос Исмоилова ижодининг кейинги қирраларида биз табиатнинг турли хил кўринишлари, жониворларни кўраемиз. «Учар отлар», «Қорабайир», «Тойчоқлар», «Оқушлар». Машҳур мусаввири Чингиз Аҳмаров «Табиатга ошиқ, жониворларни, одамларни севган, уларни ҳурмат қилган, эъзозлаган ижодкор ҳаётда кам бўлмайди. Хотиротларини, барча билганларини амалда халққа етказа билиши, тарғиб қилиши керак» деган эдилар. Чаросда шу томонлар мавжуд.

Ун уч ёшли Чарос Исмоилова олти ёшида Замбия мамлакати бўйлаб саёҳат қилган. Ишлари Ҳиндистон, Япония, Миср Араб Республикаси, Туркия, Чехия, Германия, Италия, Хамдўстлик мамлакатларига, Қозғистон республикасига халқаро танловларга юборилиб, ғолиб бўлган. Саёҳатномаларидан «Италияга саёҳат», «Африка ҳақидаги хотираларим» туркумларига кирган расмларида хотиротлар ҳаётини жонланган...

Халқимизда «Бир ҳунарнинг бошини маҳкам тут» деган нақл жуда тўғри айтилган. Чарос Исмоилова устозлари изидан бориб, мақсадлари сари интилиб, изланса, албатта келажақда моҳир мусаввира бўлиб қамолга етади, деб умид қилаемиз.

Маҳмуд АХМЕДОВ,
Ўзбекистон Бадий академиясининг ижодкорлар уюшмасининг аъзоси, санъатшунос.

Яқинда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятида унинг жорий йилдаги фаолиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, республика ОИТС маркази, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари, UNICEF, USAID халқаро ташкилотларидан вакиллар, «Save the children» болаларни ҳимоя қилиш ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Анжуманда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг Меҳр ва мурувват йили доирасидаги фаолияти, ОИТСга қарши кураш муаммолари, сил касаллигининг олдини олиш дастури ҳамда 16-17 апрель кунлари Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида ўтказилган республика санитар-дружиначилари мусобақалари тўғрисида атрафлича сўз борди.

— Халқаро Қизил Хоч жамиятининг қўллаб-қувватлаши билан 1993 йилда Ўзбекистонда Қизил Ярим Ой жамиятининг қирирув хизмати ҳам ташкил қилинди, — деди жумладан Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Миллий Кенгаши раиси Ўктамхон Воҳидова. — Қирирув хизмати уруш даврида яқинларини йўқотган юзлаб одамларга уларни топишда ёрдам кўрсатиб келмоқда. Жамиятимиз бутунги кунда Австрия, Буюк Британия, Германия, Дания, Испания, Финляндия каби қўллаб-давлатларнинг Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари ҳамда бир қанча халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Маълумки, хар йили 24-март — Халқаро сил касаллигига қарши курашиш кунини деб белгиланган. Бу хавфли касаллик туфайли йилда дунё микросида 2 миллион киши ҳаётдан кўз юммоқда. Бу борада айнан 24-март кунини Ҳиндистоннинг Нью-Дели шаҳрида сил касаллигини даволаш ва унга қарши курашиш масалаларига оид 2-Халқаро форум бўлиб ўтади. Ана шундай анжуманда иштирок этиш, кўтарилган муаммолар юзасидан фикр алмашиш албатта келгусида яхши самара беради деб ўйлайман.

Ўтказилган анжуманда иштирокчиларга Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг янги ижтимоий видеороликлари намоийш этилди ҳамда жамият томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида «Меҳр ва мурувват йилидаги энг фаол журналист» танлови ўтказилиши эълон қилинди.

Орзугул РУСТАМОВА


«Ўтган кунлар» фильми турк тилида намоийш этилди. Ушбу кинолента Туркияда Абдулла Қодирининг 110 йиллигига бағишланган маросим дастуридан ўрин олган эди.

Санъат**«ЎТГАН КУНЛАР» ТУРКИЯДА КЎРСАТИЛДИ**

«Турк дунёси юлдузлари» туркумидаги ушбу кечада Ўзбекистондан филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов ва таниқли кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов иштирок этди. Хотира кечаси Истанбул телевидениесининг ахборот дастури орқали намоийш этилди. Наим Каримовнинг ай-

тишича, ўша кунлари Туркияда ўзбек адибига бўлган юксак эҳтиром яққол кўзга ташланди. Бундан ташқари турк кино мухлисарига кейинги йилларда «Ўзбекфильми» киностудиясида суратга олинган қўллаб фильмлар тақдим этилди.

Нодирхон СОБИРОВ



Сумалакни жонга дармон деб бежизга айтмаганлар.

НАВБАТДАГИ ТУРКУМ КАРТИНАЛАР

Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков ижодида табиат тасвири акс этган картиналар ҳам алоҳида ўрин тутди. Мўйқалам устасининг бу сингари ижод намуналари «Тошкентнинг 30 кўриниши» деган туркумдан ўрин олган эди. Томошабинлар эътиборини ўзига тортган бу кўрғазма бир неча бор намоийш қилинди.

Рассом бу анъанага содиқ қолиб, шу туркумдан яна қатор картиналар устида ижод қилди. Республикамиз пойтахтининг ўзига хос ажиб кўринишлари жозибдор полотноларда ўз аксини топди. «Дўппилар савдоси», «Биринчи қор» сингари расмлар ҳам юзага келди.

Бу туркумдаги ижод намуналари «Тошкентнинг 30 кўриниши» кўрғазмаси давоми сифатида томошабинлар эътиборига ҳавола этилади. Бу экспозиция ҳам кўпчилик мухлисларга манзур бўлади деб ўйлаймиз.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Спорт

ЧУСОВИТИНА ЯНА ШОХСУПА ТЎРИДА

Франциянинг Лион шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича жаҳон Кубогининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

Афинада бўлиб ўтадиган олимпиада ўйинларига қизгин тайёргарлик кўраётган ҳамюртимиз Оксана Чусовитина учун ушбу нуфузли мусобақа жуда омадли кечди. У ўзининг энг сеvimли гимнастика йўналиши — таяниб сакраш машқида Бразилия ва испаниялик кучли рақибларини доғда қолдирган ҳолда галаба қозонди.

Биз спортимиз маликасини улкан галабаси билан қутлар эканмиз, Оксананинг ҳозирда жаҳон рейтингги бўйича учинчи ўринни банд этиб турганлигини эслатиб ўтамиз.

ГИЛАМДА — ДОНГДОР КУРАШЧИЛАР

Маълумки, шу йилнинг бошларида Ўзбек Давлат циркида илк бор ташкил қилинган «Кураш-шоу» байрами мамлакатимизда курашни нақадар севишларини яна бир қарра исботлаганди.

Миллий курашимизнинг ҳар иккала тури бўйича номдор полвонлар иштирокида ташкил этилган тадбирда залга одам сигмай кетган, республикамизнинг энг чекка вилоятларидан ҳам курашнинг ашаддий мухлислари бевосита ташриф буюришганди.

Бугун Ўзбек Давлат циркида яна кураш байрами — иккинчи бор ташкил этилаётган «Кураш-шоу»да ишқибозлар жаҳон ва Осиё чемпионлари Абдулла Тангриев, Камол Муродов, Шухрат Хўжаев, шунингдек Рустам Атоев, Озод Примов, Бобомурод Рустамов каби курашимиз етакчи вакиллари-нинг маҳоратларидан яна бир қарра баҳраманд бўлишди. Ҳиндистондан келган Житендер Алумиян иштирокидаги баҳс ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотиши кутилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

Миробод туман аҳолига маийш хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар уюшмаси **ТУГАТИЛАДИ**

Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзил: 700015, Нукус кўчаси, 18-уйда қабул қилинади.

Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги «ERKIN-VVATKA» масъулияти чекланган жамияти Ўз Низоом жамғармасини 28 миллион сўмдан 100.000 сўмгача камайтирилишини билдиради.

Ўқув тасканларида

АЛПОМИШЛАР КУЧ СИНАШДИ

Жонажон Ўзбекистонимиз марду майдонлар, Алпомишлар ўлкаси. Бу ўлкада машхур полвонлару етук спортчиларнинг камол топишлари учун барча шарт-шароит муҳайё қилинмоқда. Шу ўринда мустақиллик йилларида айниқса болалар ва ўсмирлар спортига катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Утган йили эълон қилинган «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Давлатимиз раҳбарининг Фармони ва ҳукумат қарори ҳамда уларни амалга ошириш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, юртимизда болалар спортини соҳасида олиб борилаётган жуда катта хайрли ва савобли ишлар сирасига қиради.

Мамлакатимизда мавжуд бўлган юқори малакали спортчиларни тайёрлашнинг замонавий ва самарали тизимида ўрта махсус, касб-ҳунар ташлими ўқув муассасаларининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Тошкент автомобиль ва йўллар коллежида етук мутахассислар тайёрлаш билан бир қаторда жисмонан соғлом, баркамол ёшларни тарбиялаб етиштиришда хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Билим юртида устоз-мураббийларнинг болалар ва ўсмирлар спортига алоҳида эътибор бериши, керак пайтида ўзларини ҳам спортчи ўқувчилар билан бир тан, бир жондек ҳис қилишлари натижасида тарбиянинг бу соҳасида сезиларли ишлар қилинмоқда, кўплаб спорт тадбирлари ўтказилмоқда.

Ўқув даргоҳи раҳбарияти ва бу ерда ташкил этилган жисмоний тарбия кафедрасининг ўқитувчилари сазй-ҳаракатлари туфайли коллежда ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланиши борасида олиб борилаётган машғулотлар ўзининг яхши натижаларини бермоқда, ўқувчи ёшлар ўртасида мактанса арзигулик спортчилар етишиб чиқмоқда. Улар ўртасида Ўзбекистон чемпиони Дилшод Жуманиёзов, «Пахтакор» футбол жамоасининг уйинчиси Хикмат Хусанов, «Трактор» жамоасининг футболчиси Дилмурод Сатинбоев, енгил атлетика бўйича Тош-

кент шаҳар биринчилигининг ғолиби Х.Омонов, ўзбек миллий кураши бўйича шаҳар чемпиони М.Бердиев каби ёшлар билан ўқув юрти жамоаси ҳақли равишда фахрландади.

Коллежда ўқувчиларнинг жисмонан бақувват бўлиб ўсишларида ўзбек миллий курашининг роли катта эканлигига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу ерда ташкил этилган кураш тўғрагига кўплаб ёшлар жалб қилинган. Улар ўртасида турли мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

Яқинда «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида коллеж ёш курашчиларининг «Меҳр ва муруват йили»га бағишланган мусобақалари бўлиб ўтди. Ушбу турнирда 90 нафарга яқин ёшлар 7 та вазн тоифасида ўзаро беллашишди. Коллеж ёш спортчиларининг галабага бўлган ишқибозли, гайратини кўрган «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси маъмурияти ушбу даргоҳда кураш сирларини ўргаттириш билан беллашларини билдиришди.

Халқаро тоифали ҳакам, спортнинг кураш тури бўйича фахрийлар ўртасида икки марта



Жаҳон чемпиони ўрлол Жуманиёзовнинг руҳсати билан мусобақани 50 килограмм вазнда бўлган курашчилар бошлаб бердилар. Ўнга яқин спортчилар ўртасида биринчи ўринни коллежнинг биринчи босқич ўқувчиси Икром Ботиров эгаллаган бўлса, «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси вакили Саидахмад Норов иккинчи, биринчи босқич ўқувчиси Бекзод Алимов учинчи ўринни эгалладилар. Сўнг 55 ва 60 килограммга ва ундан юқори бўлган вазн тоифасидаги ғолиблар аниқланди.

Ғолибларнинг барчаси медаллар ва Фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Ўқув юрти ўқувчилари томонидан ташкил этилган кураш байрами унинг иштирокчилари ва спорт ишқибозларида катта таассурот қолдирди.

— Элимизни, юртимизни жаҳонга таништиришда муҳим бўлган ўзбек кураши бўйича ўқувчиларимиз ўртасидаги ушбу мусобақаларни ўтказишимиздан мақсад биринчидан ўқувчи-ёшларимизни жисмонан соғлом қилиб ўстириш бўлса, иккинчидан уларда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш, ўз мамлақати, миллати ва унинг аънаналари билан фахрланиш туйғусини камол топтиришдир, — дейди биз билан суҳбатда турнирни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси, ўқув юрти раҳбари Жасур Қўлмухамедов. — Чунки меҳр-муруватли одам деганимизда энг аввало соғлом, баркамол инсонни туйшунамиз. Спорт эса ёшларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб ўсишларида алоҳида ўрин тутади.

Шавкат ЁҚУБОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар коллежи «Маънавият ва маърифат» бўлимининг маъсул ходими.
СУРАТЛАРДА: миллий кураш бўйича бўлиб ўтган спорт мусобақаларидан лавҳалар

Жиноятга ҳажо муқаррар

ГИЁВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

Шариф билан Баҳри «Кўйлик» деҳқон бозорининг нон растаси ёнидан целлофанга ўралган, оқ, порошоксимон модда топиб олишди. Одамлар кўздан панароқ жойга чиқиб, ичини очиб кўришди. Унинг героин эканлигини билишиб, сотиб фойда олмоқчи бўлишди.

Шариф дарҳол ушбу «янгилик»ни ҳеч қаерда ишламайдиган, вақтини кайфу сафо билан ўтказадиган жини, такасалтанг Ҳасанга айтиди. Шу захотиёқ Ҳасан героиннинг бир қисмини 16000 сўмга сотиб олди. Сўнгра Баҳри бу антика «мол»га харидор излай бошлади. Ҳасан героиннинг бир қисмини 13000 сўмга, орадан ўн кун вақт ўтгач, яна бир қисмини 20000 сўмга сотиб олган. «Кўйлик» деҳқон бозорининг автомобиллар тўхташ жойида Ҳасан тоғаси Шарифни яна учратиби, героин сўради. Шариф ун-

дан аввал 20000 сўм пул олиб келса, беришини айтди. Ҳасан чўнтагидан у айтган пулни санаб бергач, Шариф ўзининг «Москвич 412» русумли автомобиласида қаергадир кетди. Орадан 20 дақиқа ўтгач қайтиб келди. Ҳасанни ҳам машинага ўтказиб чеккароқ жойда гиёванд моддани унга берди. Ҳасан уни курткасининг чўнтагига солиб Ҳамза туманидаги кўп қаватли уйлар орасидан кетаётган вақтида, шу атрофда сергак бўлиб, атрофни кузатиб юрган милиция ходимлари уни тўхтатишди. Улар шахсий

тинтув ўтказганларида Ҳасаннинг эгнидаги курткасининг чўнтагидан целлофанга ўралган героин чиқди. Милиция ходимлари дарҳол ундан бу моддани кимдан, қаердан, неча пулга олганлигини суриштиришди. Ҳасан ҳам тихирлик қилмасдан рўй-рост айтиб бергач, уни Ҳамза тумани ИИБга олиб боришди.

Гиёвандлик — аср вабосидир. Уни деб қанчадан-қанча гўдаклар ногирон тугиляпти, ёшлар ўз умрларига зомин бўляпти, оилалар бузиляпти. Гиёвандлик ботқоқига ботган инсоннинг ундан чиқиб олиши қийин. Оғу ортидан фойда олиш илинжида бўлган Шарифбой Файзиев, Баҳри Хандамовалар ўн йил, Ҳасан Иззатов эса уч йил панжара ортида ўтирадиган бўлишди.

Сарвар БОЗОРОВ,
Ҳамза тумани прокуратураси катта терговчиси.
Хонбиби МАХАМОВА,
журналист.

Табассум

Судья:
— Сира тушуна олмаяпман. Мушт билан қандай қилиб бешта тишни синдириш мумкин.
— Жуда олдий, — деди тхир-жамлик билан айбланувчи. — Ишонмасангиз кўрсатишим мумкин.

Учарлар бир ғарибнинг велосипедни уриб кетишди. У кимга арз қилишни билмай довлараб турганда бир йигит унинг олдига келиб деди:

— Агар икки бокал пиво олиб берсангиз ўғриларнинг кимлигини айтаман.

Уловдан умидвор бўлган киши икки бокал пиво олиб келди. Йигитдан сало чиқмади. Яна икки бокал пиво олиб келди. Гувоҳ пивони ичиб бўлгандан кейин тоқатсизлик билан сўради:

— Ўғриларнинг кимлигини энди айтарсиз?
Йигит унинг қулоғига астагина энганшиб деди:
— Ярамас одамнинг иши бў!

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиғи

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар —
133-28-95, 133-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма раёқ офсет усулида босилди.
3252 нуسخа босилди. Қўғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар **Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбос акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили «Булоқ Турон» кўчаси, 41-уй.